Bundan tashqari S.Mirzaev O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi tizimida manfaatlar to'qnashuvini boshqarish to'g'risida NIZOMida keltirilgan barcha boblariga amal qilish koidalar bo'yicha, bundan keyingi ish faoliyat tomonidan ta'migirlik va poraxo'rlikka yo'l ko'ymaslik xamda bundan keyingi ish faoliyat davomida konun buzilish xolatlariga yo'l ko'ygan markaz xodimlariga mehnat shartnomasi bekor kilinishi bo'yicha tushunchalar berildi. Mehnat organlari va tasarrufiy tashkilotlarga ishga qabul qilinayotgan har qanday shaxs ushbu Korrupsiyaga qarshi kurashish Siyosati bilan imzo qo'ygan holda tanishishga va uning qoidalariga rioya qilishga majbur. Bundan tashqari, mehnat organining odob-axloq komissiyalari xodimlar o'rtasida manfaatlar to'qnashuvi to'g'risidagi Kadrlar ishlariga mas'ul tuzilma (boshqarma, bo'lim/inspektor)dan kelib tushgan ma'lumotlarni ko'rib chiqadi va (manfaatlar to'qnashuvini boshqarish to'g'risidagi nizom bilan tartibga solinmagan hollarda) uni hal qilish bo'yicha qaror qabul qiladi yoki aniqlangan manfaatlar to'qnashuvini tartibga solish bo'yicha ko'rilgan choralarning yetarliligi yoxud yetarli emasligi to'g'risida qaror qabul qiladi, shuningdek, mehnat organlari va tasarrufiy tashkilotlar tomonidan belgilangan odob-axloq qoidalariga rioya qilinishi masalalarini ko'rib chiqadi. Manfaatlar to'qnashuvini boshqarish doirasida Kadrlar ishlariga mas'ul tuzilma (boshqarma, bo'lim/inspektor) va Odob-axloq komissiyalari (yoki shunga o'xshash komissiyalar) O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi tizimida manfaatlar to'qnashuvini boshqarish to'g'risidagi nizom asosida ish yuritadi;

2-masala yuzasidan markaz direktori o'rinbosari so'zga chiqib, markazning asosiy ish faoliyatimiz hisoblangan ishsiz markazga ish so'rab murojaat qilgan fuqarolarni ish bilan ta'minlash, korxonalar, tashkilot va muassasalar bilan hamkorlikda ish olib borib, ishga joylashtirilgan fuqarolarni O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining ichki elektron tizimi abkm.mehnat.uz sayti orqali kiritish, ularni ushbu tizim orqali bandligini rasmiylashtirish ishlari haqida gapirib o'tdi.

3-masala yuzasidan markaz xodimlari rasman va og'zaki doimiy ravishda markaz direktori M.Gapurov tomonidan ogoxlantirib kelayotganligi, o'z vazifalariga vijdonan yondashishlari, lavozim majburiyatiga amal qilgan holda ish tashkil qilishlari, xamda ta'magirlik va poraho'rlik qilmasliklari haqida gapirib o'tdi.

Bundan tashqari Joriy yilda Andijon viloyati xududida sodir etilgan jinoyatlar taxlil qilinganda tashkilot xodimlari tomonidan xam jinoyatlar sodir etilganligini aytib o'tdi.

Yig'ilishda korruptsiyaga qarshi kurashish siyosati, xodimlar orasida korruptsiyaga qarshi madaniyati darajasini kuchaytirish, amalga oshirilayotgan ishlar maqsadlilik, samaradorligini oshirish, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlari O'zbekiston Respublikasi Mehnat Kodeksi, Vazirlar Maxkamasining 2018 yil 31-dekabrda 1066-son qarori bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari Vazirligining Davlat mehnat inspeksiyasi to'g'risida"gi Nizom talablariga og'ishmay amal qilishni, Bandlik va mehnat munosabatlari Vazirning buyruqlari va vazirlik hay'at yig'ilishi qarorlari, Respublika davlat mehnat inspeksiyasi boshlig'ining topshiriqlari so'zsiz bajarishni, funktsional vazifalari sitqdildan va vijdonan bajarishni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tadbirkorlik sub'ektlari faoliyatini tashkillashtirish bo'yicha hududiy vakili xabardorligisiz rejali, rejadan tashqari tekshirishlar, o'rganishlar o'tkzmaslik, ularning faoliyatiga aralashmaslikni, fuqarolar va yuridik shaxslarning vakillari, hamkasblar bilan muloqatda hushmomila bo'lishi, muomila va odob-ahloq qoidalariga qat'iy rioya qilishni, ish faoliyatida poraxo'rlik, tovlamachilik va boshqa mansab suiste'molliklariga yo'l qo'ymaslik to'g'risida gapirib o'tdi. Shuningdek xar bir xodim "Kasb odobi kodeksi" qoidalariga qat'iy rioya qilish haqida tushuntirib o'tdi.

Markaz xodimlari rasman va og'zaki doimiy ravishda markaz direktori M.Gapurov tomonidan ogoxlantirib kelayotganligi, o'z vazifalariga vijdonan yondashishlari, lavozim majburiyatiga amal qilgan holda ish tashkil qilishlari, ta'magirlik va poraho'rlik qilmasliklari haqida gapirib o'tdi.

Yig'ilishda yuqoridagi masalalar yuzasidan atroflicha axborotlar va fikr mulohazalar tinglanib;

YIG'ILISH QARORQILADI:

1. Kun tartibidagi masala bo'yicha markaz xodimlari tomonidan ijro intizomini buzmasliklari, ichki mehnat tartib qoidalari buzilgan taqdirda bo'yicha mehnat kodeksi talablari tushuntirib o'tildi.
2. Kun tartibidagi ikkinchi masala bo'yicha markazning barcha ishchi – xodimlari tilxat asosida korrupsion xolatlarga yo'l qo'ymasligi bo'yicha qat'iy ogoxlantirilsin.
3. Yuqoridagi holatlarga yo'l qo'ygan xodimlar qonunda belgifangan tartibda jazo chorasi qo'llanilishi to'g'risida ogoxlantirsin.


Bayon tuzuvchi:



M.Solijonova

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Шаҳрихон тумани Аҳоли
бандлигига кўмаклашиш маркази
директори




Ш.Мадмаров
«17» июнь 2022 йил

Шаҳрихон тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биносидан
ўтказилган йиғилиш

Б А Ё Н И

Шаҳрихон туман

“17” июнь 2022 йил

Раислик қилувчи: **Ш.Мадмаров** - Шаҳрихон тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори

Иштирок этди: **С.Мирзаев** - Андижон вилояти Бандлик бош бошқармаси коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорати” тизими шўбаси етакчи мутахассиси

Қатнашди: - Шаҳрихон тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари ҳамда маҳаллаларга тайинланган инспектор ёрдамчилари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Шаҳрихон тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари, маҳаллаларга тайинланган инспектор ёрдамчилари фаолиятларидаги камчиликлар, шахсий манфаатини ўйлаб коррупцияга йўл қўймаслик борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида.

(Ш.Мадмаров, С.Мирзаев, М.Пўлатова, У.Собиржонов, Ш.Мадмаров)

Кун тартибидаги масала юзасидан Шаҳрихон тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Ш.Мадмаров сўз олиб, тизимда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар борлиги, ходимлар ўртасида коррупция жиноятини содир этиш эҳтимоллиги борлиги ҳамда ходимларни кўрсатаётган хизматлари

талаби даражасида эмаслиги, ходимларни турли қонун билан таъқиқланган шахсий манфаатини кўзловчи ҳамда hozirги кунда Президентимиз томонидан долзарб бўлган коррупцияга йўл қўйиш ҳолатлари учраётганлигини қатор мисоллар билан изоҳлаб гапириб ўтди. Шунингдек, ходимларни хизмат вазифаларида хужжатлар билан ишлашдаги қатор камчиликлар борлиги, буни зудлик билан қонуний тарзда ҳал этишлик ва бу билан юқоридан текширувга келувчиларга хужжатларни тўлиқ тақдим этилишига эришилиши, марказга келган мурожаатчиларга бепул хизматлар кўрсатилиши билан уларни рози қилиш масалаларда иш ташкил этилиши, ўз навбатида марказ ходимлари ўртасида дўстона, самимий иш ташкил этилиши борасида топшириқларни бериб ўтди.

Сўзга чиққан Андижон вилояти Бандлик бош бошқармаси коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорати” тизими шўбаси етакчи мутахассиси С.Мирзаев марказ ходимлари томонидан фуқароларга кўрсатилаётган хизматлар қониқарли аҳволда эмаслиги, мурожаатлар билан ишлашда масъуллар томонидан эътиборсизликка йўл қўйилаётганлиги, ходимларни вазифалари тақсимооти бўйича мурожаатчилардан норози кайфиятдаги аризалар кўпаётганлиги, айниқса тизимда порахўрлик, ўз шахсий манфаатини кўзлаб ўзгалар манфаатига зарар келтириш, қариндош уруғчилик орқали пора олиш, моддий томонлама уруғ-аймоқчилик, таниш билишчилик каби қатор камчиликларни мисоллар билан айтиб ўтди. Тизимда порахўрликни йўқотиш, ходимларни фаолиятини доимий назоратга олиш зарурати борлигини айтиб ўтиб, қилинаётган барча жиноятлар жазосиз қолмаслигини қатор мисоллар билан тушунтирди ҳамда йиғилишдаги барча масъулларга яна бир бор коррупцияга жиноятига йўл қўймаслик, ўзгаларни моддий томонидан фойдаланиб ўз манфаатига бирор нарса олмаслиги, бу борада юртимизда hozirги кунда юқоридаги порахўрликга қарши курашиш бўйича мисли кўрилмаган ишлар олиб борилаётганлиги, қонун бузилиши ҳолатларига доимо юртимизда жазо муқаррарлигини яна бир бор эслатиб, ходимларга керакли кўрсатма ва топшириқларни берди.

Марказ директори томонидан барча ходимларга ўз хизмат вазифаларини белгиланган тартибда бажарилиши, иш давомида ижро интизомига риоя этилиши, ходимларни мурожаатчилар билан ишлашда хушмуомилали бўлишлиги, коррупция жиноятига сабаб бўлувчи барча ҳолатлардан холи бўлишлик (*қариндошчилик, танишбилишчиликларни олдини олиш*), салбий камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда жазо муқаррарлигини таъминлашни айтиб ўтди.

Кун тартибдаги масалани атрофлича муҳокама этиб, йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тизимда жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда уларни олдини олиш, коррупцияга йўл қўймаслик, тизимда қариндош-уруғчилик орқали жиноятларни содир этилишини олдини олиш борасидаги Андижон вилояти Бандлик бош бошқармаси коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорати” тизими шўбаси етакчи мутахассиси С.Мирзаевнинг топшириқлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Марказ директор ўринбосари М.Пўлатовага барча ходимларни кунлик ижро интизоми ҳамда ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлигини мониторинг қилиш ва белгиланган тартибда кунлик қилинган ишларни ҳисоботини юритиш вазифаси топширилсин.

3. Марказдаги барча ходимларга:

- ўзларига белгиланган вазифаларни сидқи дилдан, виждонан бажарилишини таъминлаш;

- ходимларни иш фаолиятида коррупцияга етакловчи қариндош-уруғчилик, танишбилишчилик каби салбий иллатлар орқали келиб чиқадиган порахўрлик ва жиноятлардан сақланиши, қонунда белгиланган тартиблар асосида иш ташкил этишликлари:

- ҳар бир келган мурожаатчига одоб ва ахлоқ нормалари доирасида хизмат кўрсатиш, уларни ортиқча югуришларсиз, бесабаб ишини биритмаслик ҳолатларига катъий чек қўйиш;

- ходимлар ўртасида самамий иш мухитини яратган ҳолда иш ташкил этиш каби вазифалар юклатилсин.

4. Ушбу йиғилиш баёнини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баён тузувчи:



Н.Халилова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази
директори: Т.Холматов
« 11 » март 2022 йил

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг йиғилиш

Б А Ё Н И № 6

“11” март 2022 йил

Булокбоши тумани

Йиғилиш раиси:

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази
директори Т.Холматов

Котиб:

марказ иш юритувчиси О.Махмудов

Қатнашдилар:

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази
ходимлари

КУН ТАРТИБИДА:

1. “Коррупция – миллатни жаҳолатга етаклайди”
2. Ижро интизомини янада яхшилаш тўғрисида.

Булокбоши туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Т.Холматов сўзга чиқиб йиғилишни очиб берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан кўриладиган масалалар юзасидан куйидагиларни гапириб ўтди.

Булокбоши туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Т.Холматов сўзга чиқиб ўз сўзида марказда коррупцияни олдини олиш тўғрисида ҳамда коррупцияни оқибатларини куйидагича ёритиб берди. Жумладан,

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётига хавф соладиган, мамлакат тараққиётига тўсиқ бўладиган иллат коррупциядир. Адабиётларда: “Коррупция (лотинча *corruptio* – айниш, порага сотилиш) – сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса”.

Тарихда давлатлар шаклллангандан буён коррупция уларни ичдан емирадиган ижтимоий иллат сифатида вужудга келган, ҳокимият ва бойлик учун хирслар таъсирида ривож топган. Коррупция ер юзидаги барча давлатларнинг тараққиётига салбий таъсир этаётган муаммо бўлиб, демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг купол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодий ривожланишни издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Ҳозирги даврда коррупция муаммосига жаҳондаги исталган мамлакатда дуч келиш мумкин. Жаҳон тарихининг турли даврларида ҳар хил давлатлардаги

мансабдорлар томонидан коррупцияга оид жиноятлар содир этилгани, коррупцияга қарши қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос жазолар тайинланганининг гувоҳи бўламиз.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб коррупция халқаро муаммо сифатида тан олинди. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияни энг глобал муаммолардан бири сифатида эътироф этиб, 9 декабрни “Халқаро коррупцияга қарши кураш куни” деб эълон қилди. БМТ 2003 йил 31 октябрда коррупцияга қарши халқаро ва миллий кураш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларни белгилаб берувчи Коррупцияга қарши конвенциясини қабул қилди.

Ушбу Конвенцияга 160 дан ортиқ давлат аъзо бўлган. Бундан ташқари, айнан шу йўналишда минтақавий халқаро ҳужжатларга имзо чекилди. Масалан, 1996 йилда Америкааро давлатлар ташкилотининг Америкааро коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинган. 1976 йил Европа Иттифоқининг Европа ҳамжамиятлари ва Европа аъзо давлатлари мансабдор шахсларига тааллуқли коррупцияга қарши Конвенцияси иш бошлаган. 1999 йил Европа Иттифоқи Министрлар Кенгашининг «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги Конвенцияси амалга жорий этилган. 2003 йилда Африка Иттифоқининг «Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш» Конвенцияси ҳаётга татбиқ этилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясида кўзда тутилган мақсадларидан асосийлари шуки, амалда коррупциянинг самарали олдини олишга ёрдамлашиш, бу борада халқаро ҳамкорлик ва техник ёрдамни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, енгиллаштириш, шу жумладан, молиявий маблағларни қайтариш, ижтимоий фаолият, ижтимоий мулкни бошқаришда ҳалоллик, поклик ва ростгўйликни рағбатлантириш ҳамда ёқлашдир.

Конвенциянинг 1-бобида асосий ҳолатлар ҳақида фикр юритилган бўлса, 2-4-бобларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоралар, криминаллашув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолият ва халқаро ҳамкорлик борасида тушунтиришлар берилган.

Конвенциянинг 2-моддаси мазмунига кўра, давлат мансабдор шахси қонунчилик, ижро, маъмурий ёки суд органларида бирор-бир лавозимни эгаллаб турган, унга тайинланган ёки сайланган шахс ёки давлат хизмати вазифасини, шу жумладан, давлат ташкилотида, корхонасида давлат ишини бажараётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкинлиги ҳақида таъриф берилиб, юқорида келтирилган категорияга мансуб шахсни таърифлаш учун шу давлатнинг ички қонунчилиги ҳам эътиборга олинishi белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳокимият, ИИВ, прокуратура, суд ва адлия органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари мазкур категорияга киришади.

Конвенциянинг 5-моддаси талабларига асосан, ҳар бир аъзо давлат ўзининг ички ҳуқуқ принципларига мувофиқ коррупцияга қарши самарали ва мувофиқлаштирилган курашиш сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Бундай сиёсат давлат идоралари, жамият иштирокида ҳуқуқий механизмлар воситасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш амалиётини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий-норматив актларнинг, маъмурий чораларда коррупциоген омилларнинг борлиги бўйича доимий назорат, мониторинг ўтказиб, уларни бартараф этиш шарт этиб белгиланган.

Шу билан бир қаторда, мазкур Конвенциянинг 6-моддасига биноан, ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимига асосланиб коррупцияга қарши курашувчи махсус орган ёки органларни таъсис этиши лозимлиги ва коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича конвенция қоидаларини, билимларни кенг ёйиши ҳақида айтиб ўтилган. Бу борада Республикамизнинг Прокуратура, ИИВ, МХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларида коррупцияга қарши йўналтирилган бир қатор бошқарма ва бўлимлар мавжуд.

Конвенциянинг 8-моддаси мазмунига кўра, мансабдор шахсларнинг профессионал одоб кодекслари қабул қилиниши ва унга риоя этилишини таъминлаш ва 9-моддага биноан ижтимоий мансабдорлар учун олди-сотди шартномалари, давлат молия идораларининг барча жабҳалари очиқ ахборот сифатида тарқатилиши, ички назорат, ҳисобот шаффоф бўлиши талаб этилган.

Энг асосий талаб сифатида, Конвенциянинг 11-моддасида суд идоралари, прокуратура, ички ишлар идораларининг ҳалоллигини, улар орасида коррупцияга йўл қўймаслик чораларини кўриш даркорлигини, 16-моддасида эса коррупцияга қарши курашда давлат идоралари билан бир қаторда жамоатчиликнинг кенг иштироки, яъни фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур талабларни бажариш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва суд идораларида ички назорат ташкил этилиши билан бир қаторда, белгиланган тартибда уларни шаҳодатлашдан ўтказиш, маълум муддатдаги фаолиятни текшириш тизими ўрнатилиши, мазкур идоралар ходимлари томонидан қонуннинг нечоғлик бажарилаётганлигини назорат этиш бўйича Адлия Вазирлиги ва унинг қуйи тизимларида тегишли бошқарма ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар бир аъзо давлат идоралари ва бошқа мансабдор шахсларни танлаш, тайинлаш, ротация қилишда самарали тизимни, унинг мезонларини шакллантириш лозимлиги, яъни кадрлар бўйича махсус стратегияга эга бўлиши лозимлиги 17-моддада аниқ ва равшан этиб кўрсатилган.

Конвенция мазмунига кўра, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиш натижасида (19-модда), ноқонуний бойиш (17-, 20-моддалар), қонуний даромадларини ўзлаштиришга қарши қатъий суриштирув, тергов ва жазо чораларини кўришни (22-, 25-модда) зарурий шарт қилиб қўяди.

Шу билан бир қаторда, Конвенцияда баъзи ҳолатлар мажбурий равишда жиноий жазо тайинланадиган хатти-ҳаракатлар сифатида қайд этилади. Масалан, порахўрлик давлат ҳокимияти вакиллари томонидан содир этилганда (15-модда) жиноий жавобгарликка тортилади, порахўрлик чет эллик мансабдор шахслар ва хорижий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилганда (16-модда) жазо белгиланади, мансабдор шахслар томонидан мулкни ноқонуний ўзлаштириш ёки бошқа мақсадларда ишлатиб юборилганда (17-модда) қонун доирасида иш қўзғатилади, жиноятлардан олинган даромадлар қонунийлаштирилганда (23-модда) ва одил судловни амалга оширишга қаршилиқ қилинганда (25-модда) белгиланган жазо чоралари кўрилади.

Юқоридаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинган. Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлда ушбу конвенцияга, шунингдек 2010 йили Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида 2003 йил 10 сентябрда қабул қилинган коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилган. Ушбу

халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим қадам бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида коррупция жиноятига қарши курашиш юзасидан қатор қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинган.

Коррупцияга қарши қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари давомида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан муҳим икки ҳужжат – “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қонунда коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга қўмаклашади.

Қонун 6 та боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, унда коррупция; коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик; манфаатлар тўқнашуви атамалари асосий тушунчалар сифатида берилган.

Қонунда «коррупция» тушунчаси «шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш» дея таърифланган.

«Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик» деганда, «коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш»ни тушуниш лозим.

«Манфаатлар тўқнашуви» «шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият»дир.

Ушбу қонун коррупцияга қарши курашнинг асосий принципларини ҳам белгилаб берган.

Улар қуйидагилардан иборат: қонунийлик; фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги; очиклик ва шаффофлик; тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги; коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги; жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириши, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириши; давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириши; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаши, уларга чек қўйиши, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаши керак.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида Бош прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти белгиланган. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Шунингдек, қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш ҳам назарда тутилган. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари:

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ташкил этиш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни кўриш;
- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат.

Маълумки, жамиятда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини таъминлашда кенг жамоатчилик иштироки таъминланмаса, ундан кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Мазкур қонуннинг эътиборли жиҳати шундаки, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

Улар ушбу қонунга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши; коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Қонунга «Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» деб номланган алоҳида бобнинг киритилгани бежиз эмас.

Чунки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб, унга қарши курашиш самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Қонуннинг 16-моддасига асосан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўради.

Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳукукий саводхонлигини ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳукукий саводхонлигини, шу жумладан, ҳукукий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни ҳам амалга оширади.

Қонунда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳукукий таълим ва тарбияни олиб боришга ҳам алоҳида урғу берилган. Келгусида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳукукий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳукукий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Қонунда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

— давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш;
— коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида учраши мумкин бўлган коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун зарур барча тартиб-тамоийлар ҳамда уларнинг ҳукукий асослари мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бу эса мамлакатимизда ислохотларнинг янги даври бошлангани ва бунда коррупцияга қарши курашиш давлатнинг устувор вазифаси эканидан далолатдир.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, коррупцияга сезиларли зарба бериш учун, энг аввало, жамиятдаги барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва бурчларини билишлари билан бир қаторда, унга шахсан риоя қилиш ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилиш ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш лозимдир.

Шундан сўнг сўзга чиқувчилар йўқлиги сабабли кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб йиғилиш


Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Марказнинг 2022 йил 11 март кунги № 6-сонли йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Мехнат интизомини яхшилансин жумладан:
 - ўз вақтида ишга келиб-кетиш тартибга солинсин.
 - Кун тартибида масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди ва йиғилиш
3. Бир ҳафта муддат ичида юқорида айтиб ўтилган камчиликларни тегишли мутахассислар томонидан бартараф қилинсин.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш баёни тузувчи:



О.Махмудов



Qo'rg'ontepa tuman aholi bandligiga ko'maklashish markazi xodimlarining
yig'ilish

BAYONI №

25.02.2022 yil

Qo'rg'ontepa tumani

Yig'ilish raisi:
Kotibi:

I. Xamraev – markaz direktori
SH. Qobulova – ish yurituvchi

Qatnashdilar:

Aholi Bandligiga ko'maklashish
Markazi xodimlari ro'yxat
bo'yicha jami 17 nafar

Kun tartibidagi masala:

1. Ijro intizomi
2. Markazda berib borilayotgan topshiriq va vazifalar ijrosini ta'minlash:
3. Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha xodimlarga tushuncha va ogohlantirishlar berish:

(I. Xamraev, F. O'rishev, I. Xamraev)

Kun tartibidagi masalalar yuzasidan markaz direktori I. Xamraev so'zga chiqib, yig'ilish qatnashchilarini kun tartibidagi masalalar bilan tanishtirdi.

Kun tartibidagi birinchi masala yuzasidan I. Xamraev Qo'rg'ontepa tuman Aholi bandligiga ko'maklashish markazi xodimlarini o'z vaqtida ishga kelib ketishini, o'ziga berilgan vazifalarni o'z vaqtida bajarib borishni, ijro intizomiga aloxida to'xtalib o'tilib kelinayotganligi, takrorlash bo'lsada ushbu masalani muntazam eslatib borilishi zarurligini va shu bilan bir qatorda bu eslatmalar faqatgina qog'ozlarda qolib ketmasdan, aksincha amalda o'z tasdig'ini va samarasini berishi zarur ekanligini aytib o'tdi. SHu bilan bir qatorda korrupsiya xolatlariga aralashib qolishdan extiyot bo'lib ish tashkil etilishi zarurligi xaqida so'z yuritdi. I. Xamraev o'z so'zida korrupsiya xolatlariga aloxida to'xtalib, buning og'ir oqibatlarini to'g'risida yig'ilish ishtirokchilarini ogohlantirdi. Markazda korrupsiyani oldini olish maqsadida xodimlardan tilxat olinishi maqsadga muvofiq

bo'lishligi va berilgan tilxatlarga amal qilgan xolda ish tashkil etilsa bu borada muammolar yuzaga ketmasligini aytib o'tdi.

SHundan so'ng yig'ilishda ikkinchi masala yuzasidan markaz Davlat mehnat xuquq inspektori F.O'rishev so'zga chiqib, o'z fikr-mulohazalarini bildirib o'tdilar. SHundan so'ng yig'ilishda markaz direktori I.Xamraev tomonidan tizimdagi korrupsion xolatlarini bartaraf qilish bo'yicha xodimlar shaxsiy majburiyatlari belgilab olindi va ogoxlantirish berilib, xodimlardan markaz direktori nomiga tilxatlar olindi. YUqoridagi holat yuzasidan ishchi-xodimlar o'rtasida kelgusida shunday holatlarga yo'l qo'yilgan taqdirda qat'iy intizomiy chora ko'rilishi va mehnat shartnomasi bekor qilinishi to'g'risida ogoxlatirildi.

Kun tartibidagi masalalarni ko'rib chiqib, yig'ilish

Q A R O R Q I L A D I:

1. Markaz direktori I.Xamraevning ko'rsatma, topshiriqlari ijro uchun qabul qilinsin.

2. Markazning barcha xodimlari o'z xizmat lavozimlariga qat'iy rioya qilib belgilangan vazifalarni muntazam so'zsiz bajarishsin. 3.

Barcha ishchi-xodimlarga fuqarolar bilan doimo xushmuomalada bo'lish, odob-ahloq chegarasidan chiqmaslik, ta'magirlik, poraxo'rlik, o'z mansab vazifasini suiste'mol qilmaslik, shu kabi salbiy holatlarga yo'l qo'ygan taqdirda intizomiy jazoga tortilishi va mehnat intizomini qo'pol ravishda buzilishi deb hisoblanishi to'g'risida har bir xodimga ogohlantirishlar berilsin:

4. Markaz **Ish yurituvchisi SH.Qobulovaga** barcha ishchi-xodimlardan markaz direktori nomiga tilxatlar olish vazifasi yuklatilsin.

5. Kelgusida har bir xodim shunday kamchiliklarga yo'l qo'ygan taqdirda, mexnat qonunchiligida ko'rsatilgan intizomiy jazo choralari qo'llanilishi hamda mehnat shartnomasi bekor qilinishi xaqida ogoxlantirishlar berilsin.

6. Ushbu yig'ilish qarorini ijrosini ta'minlashni o'z zimmamda qoldiraman.

Yig'ilish kotibi:



SH.Qobulova